

2020

NATIONAL EDUCATION SYSTEM IN THE EDUCATIONAL IDEAS OF JADIDISM

Yulduz Namazova

National university of Uzbekistan, yulduz.namazova@list.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iaiu>



Part of the [History of Philosophy Commons](#), [Other Philosophy Commons](#), [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#), and the [Social and Philosophical Foundations of Education Commons](#)

Recommended Citation

Namazova, Yulduz (2020) "NATIONAL EDUCATION SYSTEM IN THE EDUCATIONAL IDEAS OF JADIDISM," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaiu/vol2020/iss3/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

NATIONAL EDUCATION SYSTEM IN THE EDUCATIONAL IDEAS OF JADIDISM

Erratum

Added DOI

ЖАДИДЛАРНИНГ
МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИДА
МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА
ОБРАЗОВАНИЯ В ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ
ИДЕЯХ ДЖАДИДИЗМА

NATIONAL EDUCATION SYSTEM IN THE
EDUCATIONAL IDEAS OF JADIDISM

Yulduz NAMAZOVA,

*National university Uzbekistan, Department of
Foundations of Philosophy and Spirituality. yulduz.
namazova@list.ru 4, Universiti, Tashkent, 100174,
Uzbekistan.*

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/5

Аннотация: XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда шакланган таълим фалсафаси бу жадид маърифатпарварларининг миллий педагогик фаолият ва таълим асослари, унинг мақсадлари ва идеаллари, педагогик билимлар методологияси, янги рус тузем мактаблари тизимини яратиш усулларини таҳлил қилувчи тадқиқот соҳаси сифатида талқин қилинади. Шу босидан ҳам таълим фалсафаси бу даврдаги ижтимоий-институционал шаклга эга бўлган соҳа сифатида жадидларнинг таълим дастурининг мақсади ва вазифалари, тамойилларини ўзида акс эттирган десак хато қилмаган бўламиз. Бизга маълумки, жадид маърифатпарварлиги шакланган даврда дастлаб АҚШ кейинчалик эса Европада таълим фалсафаси бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ, ундан анча олдин ҳам таълим фалсафаси бўйича Платон, Аристотел, Ян Амос Коменский, Локк, Гербарт каби файласуф олимлар томонидан алоҳида фалсафий тизим яратилган.

Жадидлар учун ислом дини жаҳолатдан қутулиш йўли, маънавий баркамолликка эришиш воситаси ҳисобланган. Туркистонда келажакда умуминсоний ғояларга таянган, парламентаризм асосида бошқариладиган дунёвий давлат қуриш асосий мақсад қилиб қўйилган. Хусусан, буни миллий-худудий автономия бўлган «Туркистон мухторияти» тузишга бўлган сиёсий ҳаракатлар жараёнида кўришимиз мумкин.

Мақолада жадидчилик ҳаракатининг таълимга доир қирралари тадқиқ қилинган. Жадид маърифатпарварлари ғоясининг Туркия, татар ва озарбойжон фикрий дунёсига эргашиш орқали Ғарбий Европа маърифатчилигидан ҳам хабардор бўлишга интилиши масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *Мафкура, ўзлик, принцип, давлат, зиёли, маънавият, маданият, тафаккур, маърифат, жадид, таълим, қадрият, ғоя, таълим, халқ, миллий, мустамлака, маърифатпарвалик, менталитет, мерос.*

Аннотация: Философия образования, сформировавшаяся в Туркестане в конце XIX - начале XX веков,

трактруется как область исследований, анализирующая национальную педагогическую деятельность и образовательные основы этих современных просветителей, ее цели и идеалы, методологию педагогического познания, методы создания новой российской школьной системы. Таким образом, можно с уверенностью сказать, что философия образования как область, имеющая социально-институциональную форму в этот период, отражала цели и задачи образовательной программы джадидов. Мы знаем, что в период становления джадидского Просвещения были проведены специальные исследования философии образования сначала в Соединенных Штатах, а затем в Европе. Однако еще до этого отдельная философская система по философии образования была создана такими философами, как Платон, Аристотель, Ян Амос Коменский, Локк, Герbart. В целом под философией образования понимается область философского знания, имеющая предмет обучения. Философия образования как наука зародилась в начале XX века. Основоположником философии образования в мире является англо-американский философ Джон Дьюи. Сегодня в англоязычных странах философия образования превратилась в дисциплину со статусом предмета, предлагаемого отдельными факультетами университетов. Таким образом, данная глава посвящена анализу философских проблем, связанных с теорией и практикой образования джадидов, их подходу к проблемам образования, описанию и отражению системы образования того периода, ее целей и уровней, так как весь период философского развития тесно связан с идеями просвещения. В этой главе также представлен концептуальный анализ организации образовательного процесса и гендерных вопросов в туркестанских школах «нового метода».

Для джадидов ислам был способом избавиться от невежества, средством достижения духовного совершенства. В Туркестане главной целью является построение светского государства, основанного на универсальных идеях, управляемого парламентаризмом. В частности, мы видим это в процессе политических усилий по созданию «национальной автономии Туркестанской автономии».

Меняющийся характер движения джадидов также характеризуется акцентом на образование. Это было связано с идеей джадидских просветителей следовать за турецким, татарским и азербайджанским интеллектуальным миром, а также стремлением познать западноевропейское просвещение.

Ключевые слова: *идеология, идентичность, принцип, государство, интеллектуал, духовность, культура, мышление, просвещение, джадид, образование, ценность, идея, образование, народ, национальный, колониальный, просвещение, менталитет, наследие.*

Abstract: The philosophy of education, which was formed in Turkestan in the late 19th - early 20th centuries, is interpreted as an area of research that analyzes the national pedagogical activity and educational foundations of these modern educators, its goals and ideals, the methodology of pedagogical knowledge, methods of creating a new Russian

school system. Thus, it can be said with confidence that the philosophy of education, as an area that has a socio-institutional form during this period, reflected the goals and objectives of the educational program of the Jadids. We know that during the formation of the Jadid Enlightenment, special studies of the philosophy of education were carried out, first in the United States and then in Europe. However, even before that, a separate philosophical system for the philosophy of education was created by such philosophers as Plato, Aristotle, Jan Amos Comenius, Locke, Herbart. In general, the philosophy of education is understood as an area of philosophical knowledge that has a subject of study. Philosophy of education as a science originated at the beginning of the 20th century. The founder of the philosophy of education in the world is the Anglo-American philosopher John Dewey. Today, in English-speaking countries, the philosophy of education has become a discipline with the status of a subject offered by individual faculties of universities. Thus, this chapter is devoted to the analysis of philosophical problems associated with the theory and practice of education of the Jadids, their approach to the problems of education, description, and reflection of the educational system of that period, its goals and levels, since the entire period of philosophical development is closely related to the ideas of the enlightenment. This chapter also presents a conceptual analysis of the educational organization and gender issues in Turkestan schools of the “new method”.

For the Jadids, Islam was a way to get rid of ignorance, a means to achieve spiritual perfection. In Turkestan, the main goal is to build a secular state based on universal ideas, governed by Parliament. In particular, we see this in the process of political efforts to create a “national autonomy of Turkestan autonomy.”

The changing nature of the Jadid movement is also characterized by an emphasis on education. This was due to the idea of the Jadid enlighteners to follow the Turkish, Tatar, and Azerbaijani intellectual world, as well as the desire to learn about Western European enlightenment.

Keywords: *ideology, identity, principle, state, intellectual, spirituality, culture, thinking, enlightenment, jadid, education, value, idea, education, people, national, colonial, enlightenment, mentality, heritage.*

КИРИШ

Миллий фалсафий дунёқарашнинг шаклланиши таълим соҳасидаги фалсафий билимларнинг изчил ривожланиши учун жуда муҳимдир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ўша даврда биринчидан, Ғарбий Европа ва Америка стандартлари асосланган миллий таълим тизимларининг яратилиши нафақат таълим жараёни, балки ижтимоий ва маданий ҳаёт шароити, фикрлаш тизимини қайта кўриб чиқишни талаб этарди. Иккинчидан эса Туркистонда бундай хорижий таълим тизимининг ривожлантиришда бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш заруратини ҳам юзага келтирар эди. Учинчидан, Туркистонда миллий

таълимни ривожлантириш учун бундай шароитлар миллий хусусиятлар, маданият ва менталитетга зид келарди. Чунки ҳозирга қадар ислом ва бошқалар маданиятлар ва цивилизациялар доирасида миллий таълим фалсафаларининг ўзига хос “жойлашув маконлари” мавжуд. Бундай ҳолда, замонавий тарих, маданият ва фалсафадаги интеграцион жараёнлар, бир томондан, Туркистонда шаклланган миллий фалсафий дунёқарашнинг танқидий таҳлилдан ўтказиш муаммосини қўйса, иккинчи томондан, ўзаро мутлақо бир-бирига қарама қарши тенденциялар, қиёсий методологияни келтириб чиқаради.

ТАҲЛИЛ

Жадид маърифатпарварчилигининг иккинчи босқичи яъни 1900-1916 йилларда жадидлар ҳаракатидаги жамиятнинг барча табақа илғор фикрли вакиллари қатнашганлиги билан боғлиқ. Бу ҳаракатда бадавлат мулкдор кишилар Саидносир Миржалилов, Файзулло Хўжаев, Фўладбойвачча Зокиров, Нўширавон Ёвушев, Обиджон Маҳмудов, Ақобир Шомансур, зиёли-муаллим ва майда савдогарлар – Бехбудий, Мунаввар Қори, Авлоний, Абдусами Қори, Хожи Муъин, Сиддиқий-Ажзий, Ҳамза, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, руҳонийлар ва мударрислар, уламолар – Саидахмад Васлий, Пирмуҳаммад Аълом, Шораҳим домла Шоиноятов, Шарифжон Ҳожи, ҳунарманд-ишчилар - Низомиддин Хўжаев, Абдулла Бадрий юксак фаолият кўрсатган. Улар баъзи масалаларда мунозарали қарама-қарши фикрларга эга бўлсаларда муҳим сиёсий масалаларда яқдил бўлганлар [Ахророва З, 2004, 11]. Айниқса, Заки Валидийнинг таъкидлаганидек, “...миллатимиз русларнинг туркистонликлардан аскар олмаслигини ўзларига “оқ подшоҳнинг буюк инояти” ва “берган имтиёзлари”, деб талқин қилган. Лекин 1916 йилда ва инқилоб даврида Туркистоннинг бошига келган балоларга, очликка ва русларнинг тажовузига қарши муқобиллик мажбуриятини ҳис қилган миллат (аввало, жадидлар) қурол ишлатиш ва аскарликнинг бутун бир асрий тажрибасини ўрганиш лозимлигини тушуниб етди” [Заки Валидий, 1981, 579].

Туркистон жадидларининг етакчиси, муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий жаҳолатни келтириб чиқарадиган иллатларни таҳлил қилар экан, - “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур” [Бехбудий, 1913] - деган хулосага келади.

Бизга маълумки, тарихчи олимлар томонидан Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракати тарқалиш ҳудуди ва йўналишига кўра учга бўлиб ўрганилади: Туркистон, Бухоро ва Хива

жадидчилиги. Шунингдек, Туркистон жадидлари билан Бухоро ва Хива жадидлари ўртасида бир мунча тафовутлар борлиги ҳам алоҳида қайд этилади. Туркистон ўлкасидаги жадидчиликнинг ижтимоий асосини зиёлилар ташкил қилган ва улар асосан чор Россияси мустамлакачилигига қарши курашнинг олдинги сафларида туриб, Россия империясининг хомашё манбаига айлантирилган Туркистоннинг дастлаб мухтор, кейинчалик эса мустақил давлат бўлишига ҳаракат қилганлар. Шу нуқтаи-назардан ҳам тарихчи олим Қ.Ражабов таъкидлаганидек, “Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг кучайиши натижасида ундан Бухорода Ёш бухороликлар (1910) ва Хивада Ёш хиваликлар (1914) партиялари ажралиб чиқди. Бундан ташқари, Тошкентда бир гуруҳ тараққийпарварлар Ёш сартлар жамиятини тузишди. Бу ташкилотларнинг аъзолари нафақат ёшлар бўлган, балки фикр ва ғоялари бир экани учун ҳам ўзларини шундай аташган. Бу ёшлар ҳаракатлари ўз таркибига зиёлилар, савдогарлар, сармоядорлар ва ҳунармандларни бирлаштириб, жадидчилик ғоялари билан қуролланган эди. Уларнинг мақсади Туркистонни Россия мустамлакачилигидан озод қилиш, қолоқлик ва жаҳолатга барҳам бериш, истибдод ўрнида демократик тузум ўрнатиш, юртимизни ривожланган давлатлар сафига кўшиш бўлган” [<http://huquqburch.uz/uz/view/350>].

XIX аср охири - XX аср бошларида тарихда юз берган жадидчилик ҳаракати ўша пайтда миллий уйғониш ҳодисасини юзага келтирган ва миллатнинг тараққиёти ва ўзлигини англатишга муваффақ бўлган. Улар қуйидаги ҳолатларига қарши курашган: Биринчидан, мустамлакачиларнинг мустамлакачилик мафқураси ва қарамлик ҳамда тобелик кўникмаларини миллатга сингдириш йўлидаги ҳатти – ҳаракати; Иккинчидан, миллат тараққиёти учун ўта хавфли бўлган дин пешволари орасидаги мутаассиблик, яъни жадидлар ташкил этган янги усулдаги жадид мактаблари ва уларда рус тили ўқитилишини шариатга зид, даҳрийлик деб жар солиниши: Учунчидан, миллатда кўп йиллар давомида шаклланган ижтимоий мудроқлик ва дунёвий илмлардан хабарсизлик ҳамда мутаассиблар таъсирига тобелик. М. Абдурашидхоновнинг таъкидлашича: “Ҳар бир миллатни, унинг вакиллари жаҳолатдан қутқарувчи ягона восита – илм ва маорифдир. Кимки илм ва маорифга муносиб даражада эътибор берса, шубҳасиз, саодатга эришади” [А.Нурбой, 2005, 10-17].

Шунинг учун ҳам Мунаввар қори болаларга дунёвий илм бериш билан бирга халққа дунёвий илм олиш зарурлигини кенг тарғиб қилган эди. Мунаввар қори билимга тез, осон ва енгил олиб борадиган дастурларни тузади. У рус тилини

Ўрганиш муҳим ва зарур эканлигини англаган ҳолда, “руслар билан доимий мулоқотда бўлиш, айниқса, савдо, маъмурий, темир йўл каби турли жабҳаларда фаолият олиб бориш учун маҳаллий аҳоли ҳар хил билимларни эгаллашда қурол бўлган рус тилини билиши кераклигига иқрор бўляпман” [Абдурашидхонов, 2003, 19] - деб, болаларга рус тилини ўқитиш учун мустамлака ҳукуматининг Туркистондаги намоёндаларидан рухсат сўрайди. Ушбу илтимос-таклиф мустамлакачи маъмурлар қаршилигига учраса-да, Мунаввар қори бу қаршилиқни анча қийинчилик билан енгиб, ўз жадид мактабида рус тилини ўқитишни йўлга қўяди. Ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган миллий кадрлар тайёрлаш сиёсатининг тарихий илдизларини, шубҳасиз, Тошкент жадидлари шакллантирган деб айтишга тўла ҳақлимиз. Уларнинг орасида, айниқса, Мунаввар қорининг миллатимиз истиқболи учун қилган хизматлари беҳад катта бўлганлиги бизга истиқлолдан сўнг маълум бўлди. Жумладан, Мунаввар қори Туркистоннинг Европа ва Америка халқларидан орқада қолаётганлигини кўп бора таъкидлайди. “Ҳар миллат соҳиблари ўз ҳуқуқи миллия ва маолияларини талабида ҳур ва мухтор бўлган бу замонда... кўрқурманки, биз бечоралар шул ғафлат ва шул ихтилоф ва шул нафсоният соҳасида ҳамма мустафид бўлгон хурриятнинг неъматларидан ҳам маҳрум қолмасак деб” [Абдурашидхонов, 2003, 141-142],- унинг халқнинг келажагидан куйиниб, “хуррият олинур, берилмас” дея миллатга мурожаат қилгани маълум. У ёшлардаги дангасалик ва кўрқоқликни миллатнинг душмани сифатида қоралайди. Шунинг билан бир қаторда жадид зиёлиси Исмоил Гаспиралининг: “Оврўпо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини тақрорламаймиз.... Оврўпода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эсли хушли инсонлардек “Бу нимадир? Оқибати нима бўлади?”. Виждон ва ҳаққониятга уйғунми? дея ақл тарозисига тортиб оламиз” [Қосимов, 2002, 33] каби сўзлари бизнинг бугунги кунимизга тааллуқлидир. Бунинг учун эса биз жамиятимизда рўй бераётган глобаллашув жараёнларини онгли равишда англаб етишимиз ва идрок этиб тўғри хулоса чиқаришимиз лозим бўлади. Шундагина биз бу каби муаммоларни ижобий ҳал қила оламиз.

Мунаввар қори Абдурашидхонов миллий озодлик ва эрк курашчиси, ҳақиқий миллат фарзанди ва фидоийси бўлган. У миллатни маънавий қарамликдан муҳофаза қилишнинг бирдан-бир йўли - миллий маънавият ва маърифатни юксалтиришда деб билди. Бу каби хавфларни бартараф этиш, миллат ва халқимизнинг маънавий жиҳатдан қул

қилинишига қарама - қарши миллий ўзлик ва истиқлол учун курашиш ғоясини илгари сурган ҳолда Тошкент жадидлари бутун Туркистонни сиёсий ва маънавий қарамликдан муҳофаза қилишга бел боғлади. Масалан, Мунаввар қори “Бизим Туркистон мамлақати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардан бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?” [Абдурашидхонов, 2003, 19] -деб миллатни истиқлол учун курашга чорлайди. Тошкент жадидлари миллий мустақилликка эришиш учун, аввало, миллат руҳини, маънавиятини юксалтириш кераклигини жуда яхши тушунган. Мана шу мақсад ўша даврда, ўз – ўзидан маълумки, маънавиятни уйғотиш, миллий таълимни ривожлантириш, маърифатчиликни тарғиб қилишни талаб этар эди. Шу нуқтаи назардан миллат ва ватан дардини ўз дарди деб билган Мунаввар қори Абдурашидхонов саъй – ҳаракатларининг асосий мезони миллий муҳофаза бўлди. У жуда тез орада жадидчилик ҳаракатига қўшилиши биланок, “Тошкент жадидларининг отаси” сифатида ном қозонди. Чунки Мунаввар қори халқимиз бошига тушган мустамлакачилик қандай оқибатларга олиб келганлиги ва келажақда яна бундан-да баттар ҳолатлар юз беришини олдиндан тўла равишда ҳис этган эди. Шунинг учун ҳам у бундай хавфдан миллатимизни муҳофаза қилишнинг янги йўлини қадим қўзғолон ва ғалаёнлардан фарқли равишда маънавиятни юксалтириш ва маърифатчиликнинг амалга оширилишида кўрди. Шу ўринда унинг фақат жадидларнинггина эмас, балки халқ ва миллатнинг ҳам маънавий отаси сифатида, “Эй қардошлар, вой миллатдошлар! Кўзимизни ғафлат уйқусидин очиб, атрофимизга назар солмоқимиз лозимдир...Бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб, ҳамма оламга масхара ва кулгу ўлмоғимизга ҳеч шубҳа йўқдир” [Абдурашидхонов, 2001, 6] - дея бошқа жадидлар билан биргаликда миллатни уйғотишга ҳаракат қилди ва бунга эришдилар.

МЕТОДЫ

Туркистонда шаклланган таълим фалсафасининг ижтимоий-тарихий генезиси жадидчилик ҳаракатининг асосий ғоя ва мақсадларида ўз ифодасини топган. Булар куйидагилардан иборат: мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб Туркистон тараққиётига катта тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш бунинг учун аввало халқни ўрта асрларга хос қоқоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариятни ислоҳ қилиш, ёшлар ўртасида маърифатни кенг тарғиб қилиш, Туркистон мухторияти ҳукуматини барпо этиш учун кураш олиб бориш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия

ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузишга алоҳида эътибор қаратиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Айни шу мақсад асосида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хивада хурфикрли, тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари очилган. Бу гуруҳлар асосан Туркистонда маданий-маърифий йўналишдаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида турли даражадаги жамият ва уюшмалардан ташкил топган эди. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига самарқандлик тараққийпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий асос солганлиги тарихчи олимлар томонидан алоҳида эътироф этилади.

Маҳмудхўжа Бехбудий миллий тарбия тизимига жиддий таъсир қилаётган ва ҳозирда ҳам ўз таъсир доирасини йўқотмаган муаммоларга алоҳида эътибор қаратади. Масалан, у ўзининг “Аъмолимиз ёинки муродимиз” сарлавҳали мақоласида туркистонликларнинг турли тадбир, тўйларидан тортиб миллий ўйинларигача бўлган ҳар кунлик турмуш тарзини таҳлил қилар экан, халқни кўзини очиб ён-теварагидаги миллатлар ишларига ва қандай яшаётганларига қарашга чақиради. У халқни исрофли тадбирлардан воз кечиб, уларга сарф қилинадиган маблағни иқтисодиётнинг барча тармоқларида миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида давлат таълим муассасаларида болаларни ўқиши учун йўналтиришга даъват этади. Бехбудий бу ҳаракатларини умуммиллий ишлар, олий мақсадлар, хоҳишлар ва интилишлар деб атади [Бехбудий, 1914, 6-7]. Маҳмудхўжа Бехбудий қарашларидаги бундай фалсафий жиҳатдан фикрлаш усули айниқса миллий тарбия тизимига доир танқидий таҳлил қилиш, исботлаш ва назарий қуриш усуллари таълим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фалсафий уруниш десак хато қилмаган бўламиз. Шу боисдан ҳам мутафаккир миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий-сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини билладиган замонавий билимга эга саводли кадрлар бўлиши зарурлигини таъкидлаб, “Ислоҳни мактаб ва мадрасалардан бошлаш зарур, чунки миллат ҳаёти таълим-тарбия билан белгиланади” [Бехбудий, 1999, 228], деган эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий: “Давлат думаси нари турсин, расмий маҳкамаларга кириб бизни мудофаа қилатургон кишимиз йўқ, бошимиз оғрива дўктурга борармиз, аммо дардимизни айтишга тил йўқ, ўзимизда дўктур йўқ. Иккимиз бир-биримиз билан низо қиламиз. Кетамиз закўнчиға сўйламоққа тил йўқ” [Бехбудий, 1913, 12], - деб, буларнинг барчасининг сабабини аввало илмсизликдан излаш

кераклигини таъкидлаган эди. У чет тилларини билиш таълим олиш, фан ва маданият ривожига, тараққийга элтувчи куч эканлигини ўзининг “Икки эмас, тўрт тил лозим” номли мақоласида ҳам муҳим масала сифатида кўтарди: “бугун бизларга тўрт тилга таҳрир ва тақрир этгувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий. Арабий тил дин учун на даражада лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур” [Бехбудий, 1997, 150-152]. Чунки “бусиз Туркистон замонавий тараққийга эриша олмайди” ва “тил билишлик тараққийга ва илму амал йўллари кенг очилмоғини гаровидир”. Бехбудий нашр қилдирган “Ойна” журнали, “Самарқанд” газетасининг сўнгги саҳифаларида доимий равишда рус тилидаги реклама ва баъзи бир маълумотларга ўрин ажратар эди. “Рус лисонининг аҳамияти” мақоласи муаллифи Оллоёр: “Бу асрда ҳар ким ўз она тилидан ғайри бирор маданий ва ёки тирикликда ғоят зарур бўлган ажнабий бир тилни ўрганмаклик албатта лозимдур. Бир миллатнинг тахти ҳимоясинда турган халққа ул миллатнинг асл тилини билмак албатта ҳар жиҳатдан зарур ва лозимдур” [Оллоёр, 1914, 17 май], - деб ҳисоблайди. Ўндан ортиқ тилни билган Исҳоқхон Ибрат 1901 йилда русча сўзларни арабча ёзув тизимига солиб, “Луғати ситта ас-сина” номли китоб чоп этди. Албатта, унда олти тил (араб, форс, турк, сарт, хинд, рус) жамланган бўлсада, рус алифбосини билмайдиган миллатдошлари учун амалий ёрдам беришнинг бир усули бўлди. Рисола халқни жаҳон илм-фан ва маданияти ютуқларига яқинлаштириш, хорижий тилни ўрганишга бўлган маҳаллий халқ эҳтиёжини қондириш учун яратилган эди [Воҳидова, 2002, 44]. Ибрат бу фикрини ўзининг амалий фаолиятида ҳам қўллади. Ўзи очган мазкур мактабга илғор педагог, рус тилини чуқур билувчи татар маорифи ходими Ҳусайн Мақаевни таклиф қилди ва у билан ёнма-ён туриб халқни илм-маърифатли қилиш йўлида хизмат қилди [Долимов, 1994, 53].

Жадид мутафаккирлари фаолияти замирида мустамлакачиликка қарши мақсадлар, миллий истиқлол ғояси ётар эдики, бу ғоя оқ ва қизил империяга бирдай маъқул эмас эди. Шўролар ҳукумати уларга қарши ниҳоятда даҳшатли ҳам жисман, ҳам маънан йўқ қилиш сиёсатини олиб борди ва йигирма йил ичида уларнинг деярли ҳаммаси қатағон қурбони бўлдилар. Бугунги кунда жадидлар орзу қилган озод мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳақиқатда, миллий ғоя, миллат тафаккурининг энг илғор намуналарини акс эттирган дарслик ва қўлланмалар тузиш, хорижий тилларни мукамал билиш, касб-хунар ўргатишни

жорий этиш каби тамойиллар ўз даврида жадидчилик вакиллари уйлантирган ва уларнинг бу йўлдаги бевосита саъй-ҳаркатлари фаолиятимизнинг замонавий интеллектуал тараққиёти пойдевориغا замин яратишга хизмат қилди.

Жадидлар таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим эгаллаши, айна пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганиш масаласини алоҳида вазифа сифатида қайд этди [<https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>]. Шу каби масалалар бошқа жадид намоёндалари фаолиятида ҳам кузатилиши миллий тараққиёт ва миллий давлатчилик ривожини масалалари бугунги кунда ҳам изчил давом этаётганидан далолатдир.

Бундан юз йиллар олдин маърифатпарвар ватандошларимиздан Маҳмуджўжа Бехбудий билдирган фикрлари айниқса қимматли, унинг айтишича, миллатнинг тараққийси учун бир-неча тилларни билиш шартдир. Бехбудий ўзи асос солган ва муҳаррирлик қилган «Ойна» журналининг 1913 йил 13 август I-сонида [<https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>]. Бехбудий М. Танланган асарлар // Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. – 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 150 б]. «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи билан чиқиш қилади. Шунингдек, фаолияти давомида журнални тўрт тилда номлагани ҳам чет тилларни билиш ва эгаллаш фавқулотда зарурлигидан далолат беради. М.Бехбудий бу масалада шахсан ўзи ибрат бўлиб, бир қиз ва учта ўғил бўлган фарзандларини барчасини тўртта (арабий, русий, туркий, форсий) хорижий тилларни мукамал биладиган даражада тарбиялаб вояга етказган.

Аҳмад Дониш миллий тараққиётга тўсик бўлаётган ҳолатларни ўзининг бадий мазмундаги танқидий қарашлари орқали қуйидагича тасвирлайди: “Подшоҳларнинг сақланишлари, уларнинг саломат туришлари, мамлакатнинг ободлиги, фуқаронинг тўқлиги сипоҳларнинг розилигига боғлиқдир. Сенинг гапингга қараганда, ерлар хароб, фуқаро оч, сипоҳлар муҳтож, амалдорлар, дафтардорлар золимдирлар. Бундай салтанат, бундай давлат ҳеч вақт узоқ яшай олмайди. Отаси яшаса ҳам болалари унинг ўрнига ўтира олмайдилар. Ҳукумат интизоми бутунлай бузилади... Бунга ўхшаш мамлакатни ҳукумат, давлат дейиш тўғри эмас, уни гадолар подшоҳи, ожизлар ҳукумати десалар, тўғри айтган бўладилар” [Дониш, 1964, 274].

Х.С.Ашурова таъкидлашича, “Туркистонда вужудга келган жадидчилик таълимотининг мазмун моҳияти миллий ривожланиш фалсафасига қаратилган. Бундай ривожланиш энг аввало мустақил тафаккурга эга бўлган халқни жипслаштириш позициясига олиб бориши мумкин эди. Бу йўлда ўз даврининг энг илғор вакиллари саъй-ҳаракатларида намоён бўлди. Зиёлилар таълим бериш орқали, ижодкорлик туфайли дарсликлар, шеър ва публицистик мақолалари билан халқ онгини оширишга ҳаракат қилдилар. Жадидчилик тафаккур тарзи ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий шароити ва сиёсий ҳолати натижасида вужудга келди. Халқ оммаси жадидчилик мафқурасига катта умид билан қаради ва асосий эътиборини таълим-тарбиянинг инновацион йўналишда ислохотлар ўтказиш кераклигини тушуниб етди. Жадидчилик ҳаракати ўз даври учун инновация эди” [Ашурова, 2020, 13].

Умуман олганда, биринчидан, собиқ иттифок даврида жадид маърифатпарварлари томонидан ишлаб чиқилган таълим фалсафасини мавҳумлаштириш натижасида, уни ўрганиш борасидаги назариялар, ғоялар, декларатив чақириқлардан, утопик қарашлардан иборат бўлиб қолди. Тўғрироғи, унинг тадбиқ қилинишидан жамиятнинг сиёсий тизими манфаатдор эмас эди.

Б.Ҳусанов фикрича, Чўлпоннинг «Гўзал» номли шеърида “Кўз олдимизда Ватан учун, гўзал Туркистон учун, қолаверса, унинг гўзаллиги учун лозим бўлганда жонини бахш эта оладиган ватанпарвар, мард инсон қиёфаси гавдаланади” [Ҳусанов, 2002, 92].

Профессор Т.Маҳмудов бу ҳақида шундай ёзади: «Шоир Чўлпоннинг буюклиги ва буюк Чўлпоннинг шоирлиги худди ана шу оддий ва беминнат изҳори дилда эди. У мана шу муҳаббат туфайли бошини дорга кўйиб берди. Мажнун бўлиб элни севгани, муҳаббатдан бўлак унинг ҳеч нарса қолмагани учун, эл деб, кадрдон ўлка деб ҳар нафасда куюб юргани учун, Ватанини Каъба санаб, унга сажда қилиб, бўйин эггани учун пок виждонли кўкрагини разолат ўқиға тутиб берди» [Маҳмудов, 1991, 4].

Иккинчидан, жадид маърифатпарварлари миллий таълим тизими ўз инқирозли ҳолатидан чиқиш, таълимнинг мазмунини, уни ташкил этиш шакллари ва усуллари ўзгартириш, таълим жараёнининг бутунлай янгича технологик таъминотини яратиш йўли билангина давр талабларига жавоб беришлари ва ривожланишнинг ҳақиқий ресурсига айланиши мумкинлигини алоҳида қайд этганлар. Бироқ баъзи жадидшунос олимлар томонидан миллий таълим тизимини ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий кўрсаткичлари, “репрезентативлиги” муайян манфаатлар асосида танлаб олинган.

Учинчидан, бир қанча тарихчи, файласуф олимлар томонидан миллий таълим тизимини ривожлантириш даражаларини, йўналишларини таҳлил қилишдаги хусусий факториал усулларнинг мутлақлаштириши мажмуавий-тизимли ёндошишга путур етказган.

Тўртинчидан, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда шаклланган таълим тизимини ижтимоий-сиёсий тараққиёт мажмуасидаги ўрнини, аҳамиятини аниқлаш, унинг ички ҳаракатлантирувчи механизмларини тадқиқ қилиш, истиқболларини кўрсатиш фалсафий жиҳатдан долзарб муаммодир. Шу боисдан ҳам жадид маърифатпарварларини миллий таълим тизимини ривожлантириш борасидаги қарашларини фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, уларнинг методологик асосини яратиш, “сифат” хусусиятларини таҳлил қилиш, фундаментал назарий муаммо бўлиб, кун тартибда турибди.

Исмоил Гаспиралининг фикрича, “Инсонларни бир-биридан уч нарса узоқлаштиради: тил, масофа узоқлиги, диний эътиқоднинг бошқалиги. Афсуски, бизда дин битта бўлсада, ягона тилга эга эмаслик ва масофа бизни ажратиб қўяр экан, шу аснода мен ҳам зиёли қардошларим каби туркча исмиمنى ёзишни билмас эдим” [Қосимов, 2006, 26], дейди у. “Ҳаёт” газетасидаги мақолаларининг бирини қуйидагича яқунлайди. “... Лекин ягона шартни унутма ҳар на ёзажак эсанг, қаламни уч капиклик қора сиёҳга ботирма, юрагинга ботириб, қонинг билан ёз, сўзинг унар, виждонларга етар, акс ҳолда бесамар кетади” [Қосимов, 2006, 27]. Ҳақиқатдан ҳам тил-барча замонларда ҳар бир миллат учун энг аҳамиятли ҳодиса саналади, чунки тил орқали миллатнинг ўтмиши жонланади, уни келажаги ифода этилади. Авлоний таъбири билан айтганда, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир” [Қосимов, 2002, 162]. Жадидчининг тил масаласига алоҳида эътибор бергани ҳам ана шунда. Мусулмонларнинг ўз она тиллари бўлишини ва бу тилдан маориф тизимида фойдаланишни назарда тутган Гаспирали ўз мақолаларининг бирини “Тил масаласи- энг муҳим масала” деб бежизга номламаган эди.

Бехбудий “Падаркуш” фожеасида ўз отасини ўлдирган Тошмурод фожеаси ҳақида Зиёли тили билан шундай ёзади: “Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир... Ох, ҳақиқатда бойни ўлдургон ва йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмлиқдир. Бизларни хонавайрон бачагирён ва беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдур, беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар ҳамма илмсизлик ва бетарбияликни меваси натижасидур...” [Бехбудий, 1994, 271-272].

Шу нуқтаи-назардан мутафаккирнинг миллат онгининг шаклланишидаги буюк хизматларини эътироф этмоғимиз керак.

МУҲОКАМА

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлиб, янги босқич бошланди. Чор Россияси Туркистонни босиб олганлиги сабабли бу ерга Европа маданияти, турмуш тарзи, тарбия усуллари кириб кела бошлади. Натижада Осиёнинг бир қанча мамлакатларида мустамлакачиликка қарши ислохотчилик ва маърифатпарварлик ҳаракатлари кучайиб кетди. Бу ҳаракатлар Туркистон халқининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаётига таъсир этмай қолмади. Бу даврда Аҳмад Дониш, Фурқат, Аваз Ўтар, Муқимий каби маърифатпарварлар оқимининг бир қанча йирик намоёндалари етишиб чиқдилар. Ушбу маърифатпарварлик оқимидан XIX асрнинг охирига келиб жадидчилик оқими пайдо бўлди, ҳамда у Туркистоннинг маданий-маърифий ва таълим-тарбия, ижтимоий-сиёсий соҳларида катта ўзгаришлар содир этди. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлонийнинг “Биз ва Сиз” асарида юрти фожеасини жамиятнинг иллатлар ботқоғига ботганлигида кўради. Ўзини ўлдиришга қарор қилган асар қахрамони Камолнинг сўзлари жамиятга айбнома сифатида қуйидагича жаранглайди: “Сиз! ... Сиз, мени бу ҳолга солган, сиз, сиз – жаҳолат қурбонлари, сиз! Сиз, эски турмуш асирлари. Сиз” [Авлоний, 1998, 185-186.].

Жадидлар мусулмон олами билан жаҳон цивилизациясининг уйғун жиҳатларини теран илғай олдилар, турли даврларда ҳар хил динларга эътиқод қилувчилар бу ҳудудда тинч ва тотув яшаганликлари, конфессия ва этнослар мавжуд бўлганлигини, диний бағрикенгликнинг илдизлари узоқларга бориб тақалишини эътироф этдилар. Бунинг учун улар Европа ва Осиё тарихига мурожаат қилиб, узоқ тадрижий ривожланиш жараёнида маданиятларнинг ворислиги, ўзаро алоқадорлиги диний бағрикенглик тамойилининг қарор топишида асосий омил бўлган, деган хулосага келдилар. «Бутун тарих давомида, – деб ёзади файласуфлар, – маданий меросдан фойдаланиш ва уни ўзлаштириш жараёни икки хил аспектда содир бўлган. Ворисликнинг биринчи («вертикал») аспекти ўтмиш билан ҳозирги замоннинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Бошқа бир («горизонтал») аспекти эса бир даврда мавжуд бўлган маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнидаги ворислик кўринишидир» [Баллер, 1978: 21.].

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, жадидлар ҳаракати иккига бўлиниб, ақидапарастлар

кучайиб кета бошлагач, маърифатпарварлар кўп талофат кўра бошладилар. Уларнинг кўп қисми таъкиб ва сазойи қилинди. 1918-1919 йилларда ақидапараст уламоларнинг фатвоси билан минглаб маърифатчилар ва уларга хайрихоҳ кишилар жисмонан йўқотилди. Шўролар даври тарих ва фалсафа фанида маърифатпарварларга идеализм вакиллари, деб баҳо берилган. Чунки маърифатпарварлар жамиятни ривожлантиришга инқилобий тўнтаришлар билан эмас, яхшиликни, адолатни, билимларни тарғиб қилиш йўли билан эришмоқчи бўлган эдилар. Шўролар давлати сиёсий амалиётида эса уларга халқ душманлари ёрлиғи ёпиштирилди, улар жазоланди ёки қатл этилди [Ўз МЭ нашриёти, 2010, 179-180].

Юртимизнинг шонли тарихидаги энг табаррук шахслар бўлган жадидларнинг ҳаракати ўрганилар экан, уларни юрт мустақиллиги, миллат маънавияти ва маданияти, ўзбек фарзандларини маърифатли қилиш йўлида фидо бўлганликларини, уларнинг илғор ғоялари мустақиллик туфайли рўёбга чиқаётганлигини турли илмий далиллар билан кўрсатиб бериш долзарб масалалардан ҳисобланади [Хужаев, 2018].

Чоризм бошқарувининг дастлабки йилларида Туркистон ўлкаси халқи таълими билан шуғулланиш чор Россиясининг бошқа ҳудудларидаги каби Маориф вазирлигига эмас, балки Ички ишлар вазирлигига бўйсундирилди. Ўлка халқ таълимини ташкил этиш билан фақат таълим муассасалари нозирлари эмас, маҳаллий полиция органлари ҳам “фаол” шуғулландилар [ЎзР. МДА, 47-ф. 1-р, 211]. Бехбудий, Фитрат каби жадидлар фаолияти ва уларнинг асарлари халқ орасида кенг тарқалди, газета ва журналлар пайдо бўлди, китоб ва дарсликларни чоп қилиш кенг тус олди, миллий ўтмиш, маънавий мерос ва бошқа халқлар маданияти, талим-тарбия усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси инсонларда миллий онгнинг шаклланиши, сиёсий ва маънавий уйғониш, мустақил тараққиёт учун интилишга олиб келди.

ХУЛОСА

Биринчидан, мустақиллик даврида жадид маърифатпарварлари қўйилган “Ватан хоинлари” тавқи лаънати олиб ташланиб, улар миллат фидойилари, деб баҳоланди. (Хужаев, М. И. 2020) Жадидлар ўша давр маърифатпарлик ғояларини янгилаш билан бир қаторда миллий уйғонишни бошлаб бердилар. Бу фикр жадидлар томонидан ишлаб чиқилган янги таълим тизимидаги ўзгаришларга ҳам хосдир. Янги миллий маърифатпарварлик фалсафаси жадид намоёндалари ижоди билан шаклланди ва камол топди. Мустақиллик берган янги мафкура туфайли

“қора маёқлар” деб аталган миллат истиқболи учун фидойилик кўрсатган жадидлар бугун ўзларининг ҳақиқий баҳоларини олишди. Улар ўлкада буюк ислохотлар, миллий озодлик ва Туркистон мухторияти учун кураш олиб борган халқнинг асл фарзандлари, мутафаккирлари, пешволари сифатида баҳоланди. Уларнинг номлари абадийлаштирилди. Шахидлар майдонида хотиралари қадрланди, уларга рамзий ёдгорлик қўйилди.

Иккинчидан, жадидлар фаолиятини бугунги кунда ҳам эътироф этилиши айнан уларнинг маърифатпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, улар таълим тизимини тубдан ўзгартириб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фаол ҳаракат қилганлар. Бу оқим вакиллари томонидан ташкил этилган мактаблар анаънавий мактаблар фаолиятига кучли таъсир кўрсатди, хусусан, уларни дастурлари ва ўқитиш усулларини ўзгартиришга ундаган. Бу, ўз навбатида, мусулмон дунёқарашига зид бўлган тил ва ёзишни ўргатишнинг фонетик усулини, арифметикани, географияни ва айниқса табиий фанларни ўрганишни кескин қоралаган консерваторларнинг норозилигига сабаб бўлди. Марказий Осиёда жадидчиликнинг шаклланишига XIX аср охири - XX аср бошларида минтақада юз берган тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар сабаб бўлган.

Учинчидан, XX аср бошларида авж олиб кетган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар маҳаллий аҳоли онгида ҳам зулмга қарши курашмоқ кераклигини, энди эскича яшаб бўлмаслигини аниқлатди. Бу даврда маърифатпарварларнинг фаолияти яққол намоён бўлди. Янги усул мактабларини ташкил этиш жараёнлари, матбуотчилик фаолияти ва халқни ўз мустақиллиги учун курашга ундовчи мақолалар аҳолини маънавий онгини ўсишига катта таъсир кўрсатди. Уларнинг асосий ғояси эрк ва озодлик бўлиб, бу мақсадга маърифат йўли билан етиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Чунки, замонавий курул билан жиҳозланган Россия империясининг армиясига тайёргарликсиз қарши чиқиш халқни бадном этиш билан баробар эканлигини яхши тушунганлар.

Тўртинчидан, жадидлар ҳаракати минтақанинг миллий прогрессив зиёлиларининг, Россия ва XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Шарқ мамлакатларидаги мусулмон ислохотчиларининг ғоялари асосида шаклланди. Ўрта Осиё жадидлиги Қрим, Волга ва Кавказдаги “Ёш мусулмон ҳаракати” билан чамбарчас боғлиқ эди. Ўрта Осиё жадидлари фаолиятининг асосий йўналишлари: янги усул мактабларнинг шаклланиши, хайрия жамиятларининг фаолияти, нашриёт муассасаларининг ташкил этилиши, ўқув-услубий қўлланмалар, адабий ва журналистик

асарларнинг нашр этилиши, жамоат кутубхоналари ва ўқув залларининг очилиши, театр ижодиёти ва миллий матбуотнинг ривожланиши билан боғлиқ эди. XIX -XX аср охирларида жадидлар томонидан олиб борилган халқ таълими соҳасидаги ислохотлар Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётига энг сезиларли таъсир кўрсатди.

Бешинчидан, жадидчилик – бу ҳодиса, унинг моҳияти шахсни ва жамиятни ижтимоий организмнинг маънавий ва маданий ривожланишининг барча жиҳатларида ижодий ўзини-ўзи идрок этиш: диний мактабни модернизация қилиш, миллий адабиётни ривожлантириш, босма оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш, босиб чиқаришни технологик такомиллаштириш, ўқитиш тизимининг сифатини яхшилаш, ташқи кўринишини янгилаш демакдир. Жадидчилик феномени саводхонлик, маърифат, назария ва амалиёт синкретизми, некбинлик, самарадорлик, инсонпарварлик, эркин фикрлаш, бағрикенглик каби элементлардан ташкил топгандир. Жадидчилик ўзига хос ижтимоий-тарихий ҳодиса ҳамдир.

Олтинчидан, жадидларнинг Туркистонда халқ маорифи, олий таълимни ривожлантириш, бунда миллий кадрлар тарбиялашга асосий эътибор берилиши зарурлиги, бунинг учун совет бошқарув органларини миллийлаштириш кераклиги ҳақида олиб борган баҳоли қудрат фаолиятини кенг очиб бериш учун кўплаб янгидан янги ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил этиш орқали илмий истеъмолга солиш ҳозирги тарихшунослигимизнинг долзарб масалаларидан эканлиги аниқ ва равшандир.

АДАБИЁТЛАР:

- Ахорова З. Жадид педагогика асослари. Тошкент, 2004. –Б.11.
- Alidjanova, L. A. (2019). *The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96*
- Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna (2020) “*Questions of religion and society in the works of ibn Khaldun,*” *The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 5. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss1/5*
- Dono, K. (2020). *Features of information exchange aspects in the information society. Ижтимоий фанлар, 2(3).*
- Заки Валидий. Бугунги туркийлар. Истанбул, 1981. Б. 579
- <http://huquqburch.uz/uz/view/350>
- Абдулҳаким Нурбой Биз қандай миллатмиз? // Тафаккур. – Тошкент, 2005, 2-сон. – Б.10-17.
- Абдурашидхонов М. Танланган асарлар/ Абдурашидхонов М. -Т.: “Маънавият”. 2003, 19 бет
- Абдурашидхонов М. Танланган асарлар/ Абдурашидхонов М. -Т.: “Маънавият”. 2003, 141-142 бетлар
- Қосимов Б.. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият, 2002. –Б.33.
- Абдурашидхонов М. Танланган асарлар/ Абдурашидхонов М. -Т.: “Маънавият”. 2003, 19-бет
- Абдурашидхонов М. Хотираларимдан(Жадидчилик тарихидан лавҳалар)/ Абдурашидхонов М. -Т.: “Шарк”, 2001 6-бет.
- Kalandarova, D. (2020). *Features of aspects of information exchange. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.*
- Маҳмудхўжа Бехбудий Аъмомимиз ёнги муродимиз // Ойина. 1914. № 6-7.
- Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар.-Т.:Маънавият, 1999.- Б. 228.
- Бехбудий М. Эҳтиёжи миллат// Самарқанд. 1913 йил 12 июль.
- Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим //Бехбудий М. Танланган асарлар. Тошкент, 1997.150-152-бетлар.
- Оллоёр. Рус лисонининг аҳамияти // Садои Туркистон. 1914 йил 17 май.
- Воҳидова К.А. Исҳоққон Жунайдуллоҳ Хўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси: Тарих фан. ном. илмий даражасини олишучун ёзилган диссертация. Тошкент, 2002.44-бет.
- Долимов У. Исҳоққон Ибрат (Истиклол фидойилари сериясидан). Тошкент, 1994.53-бет.
- <https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>
- <https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>. Бехбудий М. Танланган асарлар // Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. – 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 150 б.
- Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. «Фан», Т., 1964 йил. 274-бет.
- <https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>
- <https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>. Бехбудий М. (1999) Танланган асарлар // Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. – 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 150 б. Аҳмад Дониш. (1964) Наводир ул-вақое. «Фан», Т., 1964 йил. 274-бет.
- Ашурова Х.С. (2020) Самарқанд жадидларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (XX асрнинг биринчи чораги). Фалсафа фанлари бо'йича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд 2020. –Б.13.
- Хусанов Б. (2002) Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: Дисс... фал. фан. ном. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. -92 б.
- Маҳмудов Т., Зайниддинова З. Чўлпон – романтик шоир (1991) // Санъат. – Тошкент, 1991. -№10. – 4 б.

29. Қосимов Б. (2006) Исмоилбек Гаспирали. –Т.: Маънавият, 2006. –Б.26.
30. Қосимов Б. (2006) Исмоилбек Гаспирали. –Т.: Маънавият, 2006. –Б. 27
31. Қосимов Б. (2002) Миллий уйғониш жасорат маърифат фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002. –Б. 162.
32. Бехбудий М. (1994) Асарлар. 2-жилд. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. Б. 271-272.
33. Абдулла Авлоний. (1998) Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: , 1998. –Б.185-186.
34. Баллер Э.А., Исмоилов Ф.Ю. (1978) Ворислик нима? – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 21.
35. Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўз МЕ нашриёти, 2010. – Б. 179-180.
36. Хужаев, М. И. (2015). Некоторые особенности этических взглядов Ахмет-Заки Валидова. *Credo new*, (2-2), 3-3.
37. O'zR. MDA, 47-f. 1-r. 1065-ish B.211.35.
38. *Xujaev, M. I.* EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 8 | August 2020 - Peer Reviewed Journal 2020 EPRA IJRD | Journal DOI: <https://doi.org/10.36713/epra2016> | www.eprajournals.com |349 | BASHKIR TURKISH STUDIES. Volume: 5 | Issue: 8 | 2020
39. Sultonov, Asliddin (2019) “The new philosophical paradigm of cultural development,” *The Light of Islam*: Vol. 2019: Iss. 4 , Article 25. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss4/25>
40. Sultonov A.F. (2016) Davlat hokimiyatida demokratik boshqaruv madaniyatining rivojlanish jarayonlari. – Toshkent: O'zbekiston. – 264 bet.
41. *Sadulla Otamuratov, Asliddin Sultonov.* (2020). *Democratic paradoxes of civil processes and necessary of new national idea in Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(05), 1521 - 1526. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10072>
42. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
43. Qaxharova, M., & Tuychieva, H. (2019). SPIRITUAL-MORAL ENVIRONMENT AND ITS BASIC INDICATORS. *The Light of Islam*, 2019(4), 24.
44. Qaxharova, M., & Absattorov, B. M. (2020). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.
45. *Исломов З.* (2020) *Маҳмудхўжа Бехбудий миллий мустақиллик бунёдкори. Ислом тафаккури, 2020 йил №3. Б. 6-11.*
3. *Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna* (2020) “Questions of religion and society in the works of ibn Khaldun,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/5>
4. *Dono, K.* (2020). *Features of information exchange aspects in the information society. Ижтимоий фанлар, 2(3).*
5. Zaki Validiy. (1981) *Bugungi turkiylar.* Istanbul, 1981. B. 579.
6. “Ehtiyoji millat”. (1913) “Samarqand” gazetasi, 1913 yil, №26-son
7. <http://huquqburch.uz/uz/view/350>
8. Abdulkhikim Nurboy. (2005) *Biz qanday millatimiz? // Tafakkur.* – Toshkent, 2005, 2-son. – B.10-17.
9. Abdurashidxonov M. (2003) *Tanlangan asarlar / Abdurashidxonov M.* -T.: “Ma’naviyat”. 2003, 19 bet
10. Abdurashidxonov M. (2003)*Tanlangan asarlar / Abdurashidxonov M.* -T.: “Ma’naviyat”. 2003, 141-142 betlar
11. Aripova, Zukhra (2020) The life and status of women in society during the mamluk period, *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/3>
12. *Kalandarova, D.* (2020). *Features of aspects of information exchange. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.*
13. Qosimov B. Milliy uyg'onish. (2002) -T.: Ma'naviyat, 2002. –B.33.
14. Abdurashidxonov M. *Tanlangan asarlar* (2003) / Abdurashidxonov M. -T.: “Ma’naviyat”. 2003, 19-bet
15. Abdurashidxonov M. (2001) *Xotiralarimdan (Jadidchilik tarixidan lavhalar) / Abdurashidxonov M.* -T.: “Sharq”, 2001 6-bet.
16. Mahmudxo'ja Behbudiy. (1914) A'molimiz yoinki murodimiz // Oyina. 1914. № 6-7.
17. Mahmudxo'ja Behbudiy. (1999) *Tanlangan asarlar.* -T.:Ma'naviyat, 1999.- B. 228.
18. Behbudiy M. (1913) Ehtiyoji millat // Samarqand. 1913 yil 12 iyul.
19. Behbudiy M. (1997) Ikki emas, to'rt til lozim // Behbudiy M. *Tanlangan asarlar.* Toshkent, 1997.150-152-betlar.
20. Olloyor. (1914) Rus lisonining ahamiyati // Sadoi Turkiston. 1914 yil 17 may.
21. Voqidova K.A. (2002) *Ishoqqon Junaydulloh Xo'ja o'g'li Ibrat va uning tarixiy ilmiy merosi: Tarix fan. nom. ilmiy darajasini olishuchun yozilgan dissertatsiya.* Toshkent, 2002.44-bet.
22. Dolimov U. (1994) *Ishoqxon Ibrat (Istiqlol fidoyilari seriyasidan).* Toshkent, 1994.53-bet.
23. <https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>
24. <https://www.tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/318-322.pdf>. Behbudiy M. (1999) *Tanlangan asarlar // To'plovchi, so'zboshi va izohlar: B.Qosimov.* – 2-nashri, tuzatilgan va to'ldirilgan. – Toshkent: Ma'naviyat, 1999. – 150 b.
25. Ahmad Donish. (1964) *Navodir ul-vaqoe.* «Fan», T., 1964 yil. 274-bet.

REFERENCES:

1. Ahrorova Z. (2004) *Jadid pedagogika asoslari.* Toshkent, 2004. –B.11.
2. *Alidjanova, L. A.* (2019). *The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi:*

26. Ashurova X.S. (2020) Samarqand jadidlarining ijtimoiy-siyosiy qarashlari (XX asrning birinchi choragi). Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Samarqand 2020. –B.13.
27. Husanov B. E. (2002) Shaxs va jamiyat munosabatlarida go'zallikning namoyon bo'lish xususiyatlari: Dis ... fal. fan. nom. – Toshkent: O'zMU, 2002. -92 b.
28. Mahmudov T., Zayniddinova Z. Cho'lpon – romantik shoir (1991) // San'at. – Toshkent, 1991. -№10. – 4 b.
29. Qosimov B. (2006) Ismoilbek Gaspirali. –T.: Ma'naviyat, 2006. -B.26.
30. Qosimov B. (2006) Ismoilbek Gaspirali. –T.: Ma'naviyat, 2006. -B. 27
31. Qosimov B. (2002) Milliy uyg'onish jasorat marifat fidoyilik. -T.: Ma'naviyat, 2002. –B. 162.
32. Behbudiy M. (1994) Asarlar. 2-jild. – T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1994. B. 271-272.
33. Abdulla Avloniy. (1998) Tanlangan asarlar. 2-jild. –T.: , 1998. –B.185-186.
34. Baller E.A., Ismoilov F.Yu. (1978) Vorislik nima? – Toshkent: O'zbekiston, 1978. – B. 21.
35. Falsafa entsiklopedik lug'at. – Toshkent: O'z ME nashriyoti, 2010. – B. 179-180.
36. *Xujayev, M. I. (2015). Nekotorye osobennosti eticheskix vzglyadov Axmet-Zaki Validova. Credo new, (2-2), 3-3.*
37. O'zR. MDA, 47-f. 1-r. 1065-ish B.211.35.
38. *Xujayev, M. I. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 8 | August 2020 - Peer Reviewed Journal 2020 EPRA IJRD | Journal DOI: <https://doi.org/10.36713/epra2016> | www.eprajournals.com |349 | BASHKIR TURKISH STUDIES. Volume: 5 | Issue: 8 | 2020*
39. Sultonov, Asliddin (2019) “The new philosophical paradigm of cultural development,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4 , Article 25. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss4/25>
40. Sultonov A.F. (2016) Davlat hokimiyatida demokratik boshqaruv madaniyatining rivojlanish jarayonlari. – Toshkent: O'zbekiston. – 264 bet.
41. *Sadulla Otamuratov, Asliddin Sultonov. (2020). Democratic paradoxes of civil processes and necessary of new national idea in Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(05), 1521 - 1526. Retrieved from <http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10072>*
42. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal, (6).
43. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). SPIRITUAL-MORAL ENVIRONMENT AND ITS BASIC INDICATORS. The Light of Islam, 2019(4), 24.
44. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.
45. Islomov Z. (2020) Mahmudxo'ja Behbudiy milliy mustaqillik bunyodkori. Islom tafakkuri, 2020 yil №3. B. 6-11.